



Аудиторская организация ООО "XB FINANCE KONSULTING"

г.Ташкент, Мирабадекий район, Госпитальная 11/2, тел.:252-37-04 (93)376-44-41p/c 20208000604408712001

в ЧАКБ "DAVR BANK", МФО 01046, ИНН 205 666 530, ОКЭД 69202 e-mail: XB.Finance-konsulting@mail.ru

МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

*“Nazoras universal savdo kompleksi” masъулияти чекланган
жамиятининг таъсисчилари ва раҳбариятига (СТИР: 201034884)
Хоразм вилояти, Хазарасп тумани, Э.Гаязов кўчаси 29 уй.*

Молиявий ҳисобот аудит натижалари бўйича хулоса.

Фикр.

Биз “Nazoras universal savdo kompleksi” масъулияти чекланган жамиятининг 2021 йил 1 январдан 2021 йил 31 декабр ҳолатига бўлган бухгалтерия баланси – форма №1 ва кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи – форма №2, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботи, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар “Nazoras universal savdo kompleksi” масъулияти чекланган жамиятининг 2021 йил 1 январдан 2021 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимлари ҳаракатини барча муҳим жиҳатларда Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўрисида»ги қонуни ва Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС)га мувофиқ тўғри ва ҳаққоний акс этирилган.

Фикр билдириш учун асослар

Биз Аудитнинг халқаро стандартлари(АХС) га мувоқиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Биз компаниядан мустақил равишда Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашнинг (БХАСК) “Профиссионал бухгалтерлар учун ахлоқ Кодекси” талабларига ва ахлоқий қоидаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли қонун ҳужжатларига, ҳамда ушбу талабларга ва БХАСК Кодексида белгиланган бошқа мажбуриятларни бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун старли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Аудитнинг муҳим масалалари.

Аудитнинг муҳим масалалари- ушбу масалалар, бизнинг профессионал мулоҳазамиздан келиб чиққан ҳолда жорий давр учун молиявий ҳисоботни текшириш учун энг муҳим бўлган масалалардир. Ушбу масалалар молиявий ҳисобот аудитида кўриб чиқилган.

**Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва корпоратив
бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги.**

Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўрисида»ги қонуни ва Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС)га мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган аҳборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги тахминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги.

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан холи эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик ҳулосасида акс эттириш. Ақлли ишонч ишончнинг юкори даражаси бўлиб, АХСларга мувофик ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга кафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофик аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида проффесионал мулоҳаза юритамиз ва проффесионал скептицизмни қўллаймиз. Бундан ташқари биз қуйидагиларни бажарамиз:

✓ фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиладиган аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик rischi хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик riskидан юкори, чунки фирибгар сохталаштириш, қасддан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи ҳатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкин;

✓ корхонанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади;

✓ қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;

Бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, корхонанинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ходисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиклиги тўғрисида ҳулоса қиламиз. Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган ҳулосага келсак, аудит ҳисоботида молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит ҳулосамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади. Келажакдаги воқеа ва ходисалар корхона фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.

Биз молиявий ҳисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошқор қилинишини ва молиявий ҳисобот асосий операциялар ҳамда ходисаларни ишончли тарзда тақдим этишини баҳолаймиз.


Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида мулоқот қиламиз.

Биз шунингдек Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар аудитнинг мустақиллигига тегишли барча ахлоқий талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахсларга хабар қилинган масалалардан жорий давр молиявий ҳисоботи аудитида энг муҳим ва аудитнинг асосий масалаларини аниқлаймиз. Биз ушбу аудитнинг асосий масаларини аудит ҳисоботимизда ёритамиз.

МЧЖ шаклидаги «XB FINANCE KONSULTING»

Аудиторлик ташкилоти раҳбари аудитор:



13

М.С.Рузимов.

Тошкент шаҳри, Мирабад туман госпитал даҳаси 11/2 уй

«31» Март 2022 йил.